

---

## ФУҚАРО МУРОЖААТЛАРИ ЖОЙИГА БОРИБ ЎРГАНИЛДИ!

Фарғона|kun.uz телеграм канали орқали чоп этилган мақолада фуқаролар томонидан кўтарилган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш юзасидан тегишли мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ мазкур маҳаллага ташриф буюрди ва муаммоларни ўрганди.

Жумладан “Янгихаёт” МФЙ ҳудудидаги Бештош кўчасига ташриф буюриб аҳоли вакиллари билан суҳбатлашилди. Тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда аҳолини бугунги кунда қийнаб келаётган муаммолар ўрганилди.

Ўрганиш давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 июндаги “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017-2018 йиллар куз-қиш даврига комплекс тайёрлашни таъминлаш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-3079-сонли қарори, Фарғона вилояти ҳокимининг 2017 йил 29 июндаги 349-сонли, Қува тумани ҳокимининг 2017 йилдаги 25 июлдаги Режа-графи, ижросини таъминлаш мақсадида табиий газ таъминоти қониқарсиз бўлган аҳоли яшаш ҳудудларда жойлашган аҳоли ҳонадонлари белгиланган тартибга асосан суюлтирилган газга мослаштирилган.

Суюлтирилган газга мослаштирилган аҳоли ҳонадонлари белгиланган тартибда махсус маиший газ баллонлари билан таъминланиб, уларга 20 кг. дан имтиёзли нархларда суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.

Янгихаёт МФЙ худидида 923 та ҳонаданлар суюлтирилган газга мослаштирилган ва бўлим томонидан шарнома асосида 923 та маиший газ баллонлари берилган, 2021 йил январ ойида 18460 кг суюлтирилган газ аҳоли ҳонадонларига тарқатилиб берилган.

Ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида, мавжуд сув қудуғини реконструкция қилиш, бир дона ичимлик суви минораси, бир дона сув насоси ўрнатиш бўйича тегишли чоралар белгиланди. Мазкур лойиҳалар амалга оширилгунга қадар аҳолига Вазирлар Маҳкамасининг 41-сонли қарорига асосан шартнома асосида ичимлик суви етказиб бериб туриш бўйича таклиф киритилди.

### Қува туман ҳокимлиги

#### Ахборот хизмати

2021-03-03 20:09:50